

Лондонда 423 масжид ва 100 шариат суди фаолият юритади



15:00 / 10.10.2018 4753

"Буюк Британия пойтахти аҳолисининг аксари мусулмон бўлган кўпгина мамлакатларнинг пойтахтидан Исломиyroқдир", дейди Мавлоно Саид Ризо Ризви. Бу ҳақда Saudi Gazette хабар берди.

Ҳозирда Лондонда 423 масжид фаолият кўрсатмоқда, 100 шариат суди эса мусулмонларга никоҳ масалалари, мол-мулк ва мерос масалаларида ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Лондоннинг айрим туманларида масжидлар черковлар билан ёнма-ён жойлашган. Масалан, 1230 кишига мўлжалланган Авлиё Георгий черковига атиги ўн икки киши келади. Яқин ўртада жойлашган масжид эса 100 кишига мўлжалланган ва ҳар доим тўла.

Тахминларга кўра, 2020 йилга келиб Лондонда масжидларга борувчилар сони 683 мингга етади, ҳар ҳафталик ибодат учун черковларга борадиганлар сони эса 679 мингга тушиши кутилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти